

Ота ажрашган оиласидаги фарзандларига, уларни моддий жиҳатдан таъминлашга масъулми?

15:43 / 26.04.2016 3554

Ота ажрашган оиласидаги фарзандларига, уларни моддий жиҳатдан таъминлашга қанчалик масъул?

Отанинг она билан ажрашиб кетганидан кейин болаларини моддий таъминлашини шариат истилоҳида "нафақа бериш" дейилади. Ота ўзининг ажрашган хотинидан бўлган болаларини барча сарф-харажатларини қилмоғи, нафақасини бермоғи шаръий ҳукмга кўра вожибдир. Болалар вояга етгунча, балоғатга етгунча ана ўша ишни қилиб бориш отанинг бурчи ҳисобланади, қилмаса Аллоҳ таоло вожиб қилган амални тарк қилган сифатида гуноҳкор бўлади.